

Қурбон ҳайтида Тошкент метроси ўз ишини 2 соат олдин бошлайди



09:43 / 05.06.2025 1262

2025 йил 6 июнь — Қурбон ҳайити байрами куни йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида Тошкент метрополитени одатдагидан икки соат олдин, яъни, тонгги соат 03:00 дан иш фаолиятини бошлайди. Бундан ташқари, Қурбон ҳайити байрами кунида барча йўловчилар учун Тошкент метрополитени соат 03:00 дан 10:00 га қадар йўловчиларга бепул хизмат кўрсатади.

Шунингдек, метро йўловчиларига байрам муносабати билан белгиланган бошқа дам олиш кунларида қуйидагича тартибда поездлар ҳаракати йўлга қўйилади:

7 июнь — шанба куни учун белгиланган жадвал бўйича;

8 июнь — якшанба куни учун тасдиқланган жадвал асосида соат 05:00 дан хизмат кўрсатилади.

Манба: [Тошкент метрополитени ДУК](#)